

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ (PhD).05/30.09.2022.ҚХ.152.01-РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКНАЗАРОВ ИЛИМЖОН ОЛИМЖОН ЎҒЛИ**

**ҲАНДАЛАК (*Cucumis melo adans. (L), ssp.rigidus (Pang.) Fil., var.  
chandalak (Pang.) Grebensc*) ГЕНОФОНДИНИ ЎРГАНИШ ВА  
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎТ: 635.61:582.98

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Бекназаров Илимжон Олимжон ўғли**

Ҳандалак (*Cucumis melo adans.(L), ssp.rigidus (Pang.) Fil., var. chandalak (Pang.)Grebensc.*) генофондини ўрганиш ва етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш.....

3

**Бекназаров Илимжон Олимжон угли**

Изучение генофонда хандалака (*Cucumis melo adans.(L), ssp.rigidus (Pang.) Fil., var. chandalak (Pang.)Grebensc.*) и совершенствование некоторых элементов технологии выращивания.....

19

**Beknazarov Ilimjon Olimjon ugli**

Study of the gene pool of handalak (*Cucumis melo Adans. (L), ssp. rigidus (Pang.) Fil., var. chandalak (Pang.) Grebensc.*) and improvement of certain elements of its cultivation technology.....

35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

39

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ (PhD).05/30.09.2022.ҚХ.152.01-РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКНАЗАРОВ ИЛИМЖОН ОЛИМЖОН ЎҒЛИ**

**ҲАНДАЛАК (*Cucumis melo adans. (L), ssp. rigidus (Pang.) Fil., var.  
chandalak (Pang.) Grebensc*) ГЕНОФОНДИНИ ЎРГАНИШ ВА  
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2023.2. PhD/Қх1 107 ракам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифасида ([www.sabpkiti@iim.uz](http://www.sabpkiti@iim.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Арамов Музаффар Хошимович,  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Хакимов Рафикжон Абдунабиевич  
кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Дустмуратова Саодат Исмоиловна  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Ётақчи ташкилот:** Самарқанд агроринновациялар ва тадқиқотлар институти

Диссертация химояси Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти хузуридаги кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.05/30.09.2022.Қх.152.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 19 декабр соат 15-<sup>м</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой кўчаси, 2-уй. Тел: (+99871) 226-85-03; факс: (+99871) 226-85-03; э-mail: [savzavot\\_info@iim.uz](mailto:savzavot_info@iim.uz); Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти Ма'мурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 11-2025 -раками билан рўйхатга олинган (Манзил: 100140, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой кўчаси, 2-уй. Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел:(+99871) 226-85-03;

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни таркатилди.  
(2025 йил «\_\_» «\_\_» даги \_\_\_\_\_ - ракамли реестр баённомаси).



*Handwritten signature of R.A. Nizomov*

**Р.А.Низомов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

*Handwritten signature of F.F. Rasulov*

**Ф.Ф.Расулов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д. (PhD), катта илмий ходим

*Handwritten signature of A.J. Shokirov*

**А.Ж.Шокиров**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида турли замонавий технологиялар асосида полиз экинларини етиштириш ва истеъмол қилишга бўлган талаб ортиб бормоқда. ФАО ва бошқа халқаро маълумотларга кўра 2024 йилда полиз экинлари етиштирилган майдон дунё бўйича тахминан 4,1 млн. га тенг бўлиб, шу йилги умумий маҳсулот ҳажми 133,5 миллион тоннани ва ўртача ҳосилдорлик эса 26–27 т/га ни ташкил этган. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича энг йирик давлат – Хитой бўлиб, унинг ҳиссаси бу кўрсаткичнинг деярли ярмидан ортигини ташкил қилади<sup>1</sup>. Ўзбекистонда 2024 йилда полиз экинлари маҳсулотлари ҳажми 2,6 миллион тоннага етиб, 2023 йилга нисбатан 3,2 фоизга ошган<sup>2</sup>. Полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бориши аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этади..

Ўзбекистон нафақат Ўрта Осиёда, балки жаҳонда ҳам энг қимматли, мазали қовун навлари билан танилган. Н.И.Вавилов (1926) фикрича Ўрта Осиё маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказларидан бири ва қовуннинг иккиламчи келиб чиқиш макони бўлиб ҳисобланади ва бу ерда унинг катта миқдорда тур хиллари жамланган. Тарихан шаклланган қовун воҳаларида асрлар давомида халқ селекционерлари томонидан яратилган жуда кўп миқдорда хилма-хил қовун навлари яратилганки, улар пишиш даврларининг ҳар хиллиги, мевасининг вазни, ҳиди, мазаси, ранги, таркибидаги қанд миқдори ва бошқа белгилари билан ажралиб туради ҳамда бошқа мамлакат олимлари диққатини тортди келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги фармонида белгилаб берилган 3 устувор йўналиши 30 мақсадида «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш вазифаси кўйилган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш” устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб жанубий воҳада ҳандалакни истиқболли навларини танлаш ва уни етиштириш технологиясининг айрим элементларини ишлаб чиқиш долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/faostat/foodsecurity>

<sup>2</sup> <https://gov.uz/oz/agro/news/view/20908>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги № ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони,<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сон «2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора тадбирлар тўғрисида» ги қарори,<sup>4</sup> ҳамда бошқа меъерий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маҳаллий қовун навларини ўрганиш, яхшилаш ва бойитишда Ўзбекистоннинг бир қатор селекционер - олимлари Пангало К.И., Филов А.И. Гольдгаузен М.К., Бел-Кузнецова В.Ф., Донской П.В., Каримов А.К., Земан Г.О., Дудко П.Н., Кулакова М.Н., Житенева Н.Е., Ҳақимов А.С., Щукина А.С., Ҳақимов Р.А., Ҳалимова М.Ў., ҳамда халқ селекционерлари Алигавҳаров А., Каримшоев Ў., Тожиев Т., Мўйдинов Ш. ва бошқалар ўз хиссаларини қўшганлар.

Полиз экинлари ўсишини бошқарувчи моддалар таъсирида ўсимликни ўсиш, ривожланиши бўйича хорижий мамлакатларда Chang J. O., Cal D.T., Ikekawa N., Zhao Y.J., Kamuro Y., Tocatcuto S., Kaneshmann A., Adam G., Jessop A., Khripach V., Znabinsii V., DeGroot A., МДХ мамлакатларида Боева Т.В., Антипенко Н.М., Кипаева Е.Г., Будыкина Н.П., Шибаета Т.Г., Титов А.Ф., Лазько В.Э., Благородова Е.Н., Якимова О.В., Лигун А.М., Рябчикова Н.Б., Колебашина Т.Г., Сулова Т.А., Ўзбекистонда Баратова М.Р., Амиров Х.С. каби олимлар тадқиқотлар олиб борган. Бу тадқиқотчилар томонидан олиб борилган илмий ишларда ўсишни бошқарувчи моддалар сабзавот ва полиз экинларининг уруғларини униб чиқиш қувватини, унвчанлигини оширган, ўсимликни ўсиш ва ривожланишига сезиларли даражада ижобий таъсир қилган, ҳосилдорликни ошишига ва ҳосил сифатини яхшиланишига олиб келган. Кўпчилик олимларнинг фикрича ўсишни бошқарувчи моддалар ўсимликларнинг стресс омилларига: паст ва юқори хароратга, сув тақчиллигига, касаллик ва зараркундаларга чидамлилигини ошишига олиб келган. Аммо, айнан ҳандалакнинг ўсиш ва ривожланишига, ҳосилдорлигига ўсишни бошқарувчи моддаларнинг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий- тадқиқот муассасининг илмий – ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат аграр университети Мева-

<sup>3</sup> <https://lex.uz/uz/docs/4812412>

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/5841063>

сабзавотчилик кафедрасининг № 7.1-рақамли «Ўзбекистонда сабзавот ва полиз экинлари турларини етиштиришнинг инновацион технологияларини илмий асослаш ва такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2020-2025 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳандалак нав намуналари тўпламини ўрганиш ва истиқболли навларни ажратиш, хандалакни уруғи ва кўчатидан очик далада ва плёнкали қопламалар остида етиштиришнинг ҳамда хандалак етиштиришда ўсишни бошқарувчи моддалардан фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- хандалак нав намуналари тўпламини ўрганиш ва истиқболли навларни ажратиш;
- хандалакни уруғидан ва кўчатидан очик далаларда ва плёнкали қопламалар остида етиштиришни самарадорлигини аниқлаш;
- Гумимакс ва ВЛ-77 препарати билан ишлов беришнинг хандалак ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш;
- хандалак янги маҳаллий навларининг ва хандалак етиштиришда биологик стимуляторлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш .

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 31 та хандалак нав намуналари, Гумимакс ва ВЛ-77 биостимуляторлари ва уруғларни ивитишнинг турли экспозициялари ва етиштиришнинг турли усуллари хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ҳандалакнинг нав намуналарини ўрганиш ва истиқболли навларни ажратиш, уни уруғдан ва кўчатдан, очик далада ва плёнка остида етиштириш ва биостимуляторлардан фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлаш тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тажрибалар қуйидаги услуб ва услубий кўрсатмалар асосида олиб борилди: Методика полевого опыта в овощеводстве (С.С.Литвинов, 2011), Методика полевого опыта (Б.А.Доспехов, 1985), Руководство по апробации овощных культур и кормовых корнеплодов (М., 1982), Сабзавот, полиз ва картошка экинларида тажрибалар ўтказиш услуби (СПЭ ва КИТИ, 2023). «Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве» (М.: 1992). Истиқболли хандалак нав намуналари меваларини биокимёвий таркиби Давлат нав синаш маркази Марказий кимё-технология лабораториясида аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон жанубида хандалак нав намуналари тўплами ўрганилган ва истиқболли Маҳаллий намуна 24, Маҳаллий намуна 3, Маҳаллий намуна 19, Маҳаллий намуна 1, Маҳаллий намуна 23, Маҳаллий намуна 21, Маҳаллий намуна 25, Маҳаллий намуна 12, Маҳаллий намуна 15, Маҳаллий намуна 14 навлари ажратилган;

хандалак уруғи орқали плёнкали қопламалар остида етиштиришнинг истиқболлилиги аниқланган. Хусусан, плёнка остида уруғидан етиштирилганда ҳосилдорлик 45,5 т/га ни ташкил этиб, бу очик далада

етиштирилганига нисбатан 122% ни ташкил этган. Плёнка остида уруғидан етиштирилганда очик далага нисбатан мева вазни 0,13 кг, битта ўсимликдаги мева сони 0,2 донага кўп бўлиши исботланган;

ҳандалакни кўчатлари орқали плёнкали қопламалар остида етиштириш, очик далага нисбатан самарали эканлиги исботланган. Плёнка остида кўчатидан етиштирилганда ҳандалак ҳосилдорлиги 50,0 т/га бўлган ва бу очик далада кўчатидан етиштирилганга нисбатан 126% ни ташкил этган. Плёнка остида кўчатидан етиштирилганда очик далада кўчатидан етиштирилганга нисбатан мева вазни 0,1 кг, битта ўсимликдаги мева сони 0,3 донага кўп бўлганлиги аниқланган;

ҳандалак уруғларини Гумимакс препаратида ивитишнинг энг мақбул экспозитсияси 9-12 соат эканлиги аниқланган. Ҳар иккала вариантда ҳам ҳосилдорлик 41,1 т/га ни ташкил этиб, бу назоратга нисбатан 6,8% га юқори бўлиши исботланган;

ҳандалак уруғларини ВЛ-77 препаратида ивитишнинг энг мақбул экспозитсияси 12 соат эканлиги исботланган. Бунда ҳосилдорлик 43,4 т/га ни ташкил этиб бу назоратга нисбатаб 112,7% демакдир. Ушбу препарат билан 12 соат ишлов берилган ўсимликларда мева вазни 0,08 кг, битта ўсимликдаги мева сони 0,1 донага кўп бўлганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳандалакнинг Маҳаллий намуна 24, Маҳаллий намуна 3, Маҳаллий намуна 19, Маҳаллий намуна 1, Маҳаллий намуна 23, Маҳаллий намуна 21, Маҳаллий намуна 25, Маҳаллий намуна 12, Маҳаллий намуна 15, Маҳаллий намуна 14 каби маҳаллий нав намуналари ажратилган, улар етиштириш ва селекция ишлари учун тавсия этилган ;

Гумимакс биологик препарати билан ҳандалак уруғларига ишлов бериш юқори самара бериши, ҳандалак ўсимлигининг стресс факторларга чидамлилигини ошириши ва пировардида ҳосилдорликни ва ҳосил сифатини яхшилаши исботланган;

ВЛ-77 ўсишни бошқарувчи препарати билан ҳандалак уруғларига экишдан олдин ишлов бериш ҳосилдорликни 15% га оширган ва ҳосил сифатини яхшилаган, ўсимликларнинг стресс омилларига: иссиққа, гармсел шамолига, ҳавонинг нисбий намлигининг пастлигига чидамлилигини оширган;

ҳандалакни уруғидан ва кўчатидан плёнкали қопламалар остида етиштиришни истиқболли эканлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти-маҳаллий ҳандалак навлари ажратилганлиги, биологик препаратлар Гумимакс ва ВЛ-77 билан ҳандалак уруғларига экишолди ишлов бериш учун мақбул экспозициялари аниқланганлиги, ҳандалакни уруғидан ва кўчат орқали очик далада ва плёнка остида етиштиришнинг самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти янги маҳаллий ҳандалак навлари ажратилиб ишлаб чиқаришга ва селекция ишлари учун тавсия этилганлиги,

Гумимакс ва ВЛ-77 биологик препаратлари билан уруғларга экиш олдида ишлов бериш ва ҳандалакни пленка остида кўчатидан етиштириш самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий-тадқиқот ишларининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий ҳисоботларнинг Тошкент давлат аграр университети илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақризлар олинганлиги, тажриба маълумотларининг математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика нашрларида чоп этилганлиги билан баҳоланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Ҳандалак (*Cucumis melo adans.*(L), *ssp.rigidus* (Pang.) *Fil.*, *var. chandalak* (Pang.) *Grebense*) генофондини ўрганиш ва етиштириш технологиясини элементларини такомиллаштириш” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

Гумимакс билан хандалак уруғларига ишлов беришнинг энг мақбул экспозитсияси 9 соат эканлиги аниқланган ва Сурхондарё вилояти Жарқўрғон ва Термиз туманларидаги фермер хўжаликларида амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан 2024 йил 23-декабрда берилган №1-9-9-1814 маълумотнома). Натижада “Гумимакс” биологик препарати билан хандалак уруғларига ишлов бериш юқори самара бериши, хандалак ўсимлигининг стресс факторларга чидамлилигини ошириши пировардида ҳосилдорликни ва ҳосил сифатини яхшилаш имконини берган;

“ВЛ-77” биологик препарати билан хандалак уруғларига ишлов беришнинг энг мақбул экспозитсияси 12 соат эканлиги аниқланган ҳамда “Гумимакс” ва “ВЛ-77” биологик препаратларнинг хандалак ўсимлигининг морфобиологик ва хўжалик муҳим белгиларига ижобий таъсир кўрсатиши ишлаб чиқилган ва Сурхондарё вилояти Жарқўрғон ва Термиз туманларидаги фермер хўжаликларининг жами 1,8 гектар майдонида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан 2024 йил 23-декабрда берилган №1-9-9-1814 маълумотнома). Натижада “ВЛ-77” биологик препарати билан хандалак уруғларига экишдан олдин ишлов бериш ҳосилдорликни 15% га оширган ва ҳосил сифатини яхшилаган, ўсимликларнинг стресс факторларга иссиққа, гармсел шамолига, ҳавонинг нисбий намлигининг пастлигига чидамлилигини ошириши аниқланган. “Гумимакс” препарати билан уруғларга экиш олди ишлов берилганда препарат билан ишлов берилмаган бошқа ўсимликларга нисбатан ривожланиш даврлари давомийлиги қисқаришига сабаб бўлиши исботланган.

“Ҳандалакдан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияси” номли тавсиянома ишлаб чиқилиб тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан 2024 йил 23-декабрда берилган №1-9-9-1814 маълумотнома). Натижада ушбу тавсиянома сабзавотчилик ва полизчилик соҳаси мутахассислари, олимлари

ва Олий таълим муассасалари талабалари, магистрлари ва хандалак етиштирувчи фермер хўжаликлари, полизчилик билан шуғулланувчи томорқа ер эгаларига муҳим илмий услубий қўлланма сифатида хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация мавзуси бўйича тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган. Дала тажрибалари ҳар йили Тошкент давлат аграр университети томонидан тузилган махсус комиссия томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган, йиллик ҳисоботлар университетнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация иши Сабзавотчилик ва иссиқхона хўжалигини ташкил этиш кафедраси йиғилишида тингланиб, муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий мақолалар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумлада 1 таси хорижий, республика журналларида – 2 та чоп этилган. Шунингдек халқаро конференцияларда 4 та ва республика конференцияларида 2 та мақола, 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида илмий тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот ишларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «Қовуннинг систематикаси, тарқалиши, ташқи муҳит омилларига талабчанлиги, уруғларга экиш олди ишлов бериш ва уларнинг самарадорлиги (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича республикамиз ва хорижий олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари таҳлил қилинган. Ушбу бобда қовуннинг турли хил классификациялари ўзаро солиштирилиб ўрганилган, унинг ташқи муҳит омилларига талабчанлиги келтирилган, уруғларга экиш олдидан ҳар хил ўсишни бошқарувчи

стимуляторлар билан ишлов беришнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича мамлакатимизда ва хорижий давлатларда олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган ва шу асосда изланишлар мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароити, объекти ва услуб-лари» деб номланган иккинчи боби «Тадқиқот ўтказилган жой ва унинг шароити» бўлимида тадқиқотлар олиб борилган жойнинг тупроқ-иклим шароитлари баён этилган. Ушбу бобнинг «Тадқиқотлар объекти, услуби ва тажрибалар схемаси» бўлимида тадқиқотлар объекти, мавзу юзасидан олиб борилган тажрибалар ўтказиш услублари, тажрибаларда олиб борилган кузатув ва ҳисоблар, ўлчов ишлари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «Ҳандалак генофондини ўрганиш ва истиқболли нав намуналарини ажратиш» деб номланган учинчи бобида мавзу бўйича олиб борилган изланишлар натижалари баён этилган. Ушбу бобнинг «Ҳандалак нав намуналарини ҳар томонлама баҳолаш» деб номланган бўлимида ҳандалакни республикамизнинг турли минтақаларидан олиб келинган 31 та нав намуналарини ўрганиш натижалари келтирилган.

Ўсув даври ёки униб чиққандан меваларнинг дастлабки пишиши-гача бўлган давр энг муҳим белгилардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу даврнинг давомийлиги бўйича навлар ўртасида анчагина фарқ сезилди. Ушбу даврнинг давомийлиги бўйича ўрганилган навлар куйидагича гуруҳланди:

1. ўсув даври 65 кунгача бўлган навлар: Маҳаллий намуна 4 (65 кун), Маҳаллий намуна 9 (64 кун), Маҳаллий намуна 10 (64 кун), Маҳаллий намуна 13 (65 кун), Маҳаллий намуна 14 (63 кун), Кўк каллапуш (64 кун), Маҳаллий намуна 21 (62 кун), Маҳаллий намуна 23 (62 кун), Маҳаллий намуна 24 (65 кун). Бу гуруҳ ўрганилган навларнинг 30,3% ни ташкил этди.

2. ўсув даври 66-70 кун бўлган навлар: Офтоб (68 кун), Маҳаллий намуна 1 (69 кун), Маҳаллий намуна 3 (66 кун), Маҳаллий намуна 5 (67 кун), Маҳаллий намуна 6 (68 кун), Маҳаллий намуна 7 (68 кун), Маҳаллий намуна 8 (70 кун), Маҳаллий намуна 11 (68 кун), Д-18 (68 кун), Маҳаллий намуна 12 (67 кун), Маҳаллий намуна 15 (68 кун), Маҳаллий намуна 16 (67 кун), Маҳаллий намуна 17 (70 кун), Маҳаллий намуна 22 (67 кун). Бу гуруҳ ўрганилган навларнинг 42,4 % ни ташкил этди.

3. ўсув даври 70 кундан юқори бўлган навлар: Кичкинтой (73 кун), Бўриқалла (72 кун), Оби-наввот (79 кун), Маҳаллий намуна 18 (71 кун), Маҳаллий намуна 19 (73 кун), Маҳаллий намуна 20 (73 кун), Маҳаллий намуна 25 (73 кун). Бу гуруҳ ўрганилган навларнинг 21,2 % ни ташкил этди.

Биринчи гуруҳга кирувчи навлар ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан ҳам, селекция ишларида фойдаланиш нуқтаи назаридан ҳам энг қимматли бўлиб ҳисобланади.

Ҳандалак меваларини маълум бир даврда навбатма-навбат етказиб бериш мақсадида кейинги 2 та гуруҳ вакиллари алоҳида ахамиятга эга деб ҳисобланади.

Энг муҳим кўрсаткичларидан бири- хандалак навларининг ҳосилдорлиги ва унинг товарбоплиги бўлиб ҳисобланади. Кўпгина навларда умумий ҳосилдорлик қиёсий навга нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди. Офтоб, Маҳаллий намуна 1, Бўрикалла, Маҳаллий намуна 3, Оби-наввот, Маҳаллий намуна 4, Маҳаллий намуна 6, Маҳаллий намуна 12, Маҳаллий намуна 15, Кўк каллапуш, Маҳаллий намуна 24, Маҳаллий намуна 25 навлари умумий ҳосилдорлиги 48,7-58,5 т/га ни ташкил этди. Бу эса қиёсий навга нисбатан 110-132 % ни ташкил этди.

Умумий ҳосилдорлиги қиёсий навга тенг ёки унга яқин бўлган нав намуналарига Маҳаллий намуна 7, Маҳаллий намуна 10, Маҳаллий намуна 11, Д-18, Маҳаллий намуна 16, Маҳаллий намуна 17, Маҳаллий намуна 20, Маҳаллий намуна 21, Маҳаллий намуна 23 киритилди. Ушбу нав намуналарида умумий ҳосилдорлик 43,4-48,1 т/га бўлиб, қиёсий навга нисбатан 98-109 % ни ташкил этди.

Энг кам умумий ҳосилдорлик Маҳаллий намуна 2 навида кузатилди ва у 40,8 т/га ни ёки қиёсий навга нисбатан 92 % ни ташкил этди.

Ҳандалак учун энг муҳим кўрсаткичлардан бири- хандалак меваларининг товарбоплиги ҳисобланади. Маълумки кўпгина хандалак навлари меваси юмшоқ, транспортбоплиги юқори эмас, ёрилишга мойил.

Тадқиқотларда энг юқори сифатли ҳосил Кичкинтой навида олинди ва у 42,7 т/га ёки умумий ҳосилнинг 96,4 % ни ташкил этди. Ушбу навда товарбоп ҳосилнинг кўплиги меваларининг қаттиқлиги ва транспортбоплиги билан билан изоҳланади.

Товарбоп ҳосилдорлиги қиёсий навдан юқори бўлган навлар кўпчиликини ташкил этди ва бу уларнинг юқори умумий ҳосилдорлиги билан изоҳланади. Аммо, ҳосилнинг товарбоплиги фақат Кичкинтой, Кўк каллапуш, Маҳаллий намуна 24, Маҳаллий намуна 24 навларида юқори бўлди ва умумий ҳосилнинг 93,0-96,4 % ни ташкил этди. Товарбоп ҳосил умумий ҳосилнинг 90,0-90,3 % ни ташкил этган навлар гуруҳи ҳам ажратилди. Бундай навларга Офтоб, Бўрикалла, Маҳаллий намуна 4, Маҳаллий намуна 5, Маҳаллий намуна 7, Маҳаллий намуна 8, Маҳаллий намуна 9, Маҳаллий намуна 16, Маҳаллий намуна 17, Маҳаллий намуна 18, Маҳаллий намуна 20, Маҳаллий намуна 21 кирази.

Тадқиқотлар натижасида Маҳаллий намуна 24, Маҳаллий намуна 3, Маҳаллий намуна 19, Маҳаллий намуна 1, Маҳаллий намуна 23, Маҳаллий намуна 12, Маҳаллий намуна 14, Маҳаллий намуна 15, Маҳаллий намуна 21, Маҳаллий намуна 25 каби маҳаллий нав намуналари истиқболли эканлиги аниқланган, етиштириш ва селекция ишлари учун тавсия қилинган.

Ушбу бобнинг «Ажратилган истиқболли маҳаллий хандалак нав намуналарининг тавсифи» деб номланган бўлимида хандалак генофондини ўрганиш натижасида ажратилган Маҳаллий намуна 1, Маҳаллий намуна 3, Маҳаллий намуна 12, Маҳаллий намуна 14, Маҳаллий намуна 15, Маҳаллий намуна 19, Маҳаллий намуна 21, Маҳаллий намуна 23, Маҳаллий намуна 24,

Маҳаллий намуна 25 каби истиқболли нав намуналарининг хўжалик муҳим белгилари бўйича тавсифи келтирилган.

Диссертациянинг «Ҳандалак етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида «Ҳандалакни уруғлари орқали очик далада ва плёнкали қопламалар остида етиштириш» деб номланган бўлимида уруғларни очик далага ва плёнка остига экишнинг ҳандалак ўсимлигининг хўжалик муҳим белгиларини намоён бўлишига ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Меваларнинг дастлабки пишиши уруғидан плёнка остига экилган ўсимликларда униб чиққандан сўнг 68 кунда, ёппасига пишиши эса 72 кунда амалга ошди. Очик далаларда етиштирилган ўсимликларда меваларнинг дастлабки пишиши униб чиққандан сўнг 71 кунда, ёппасига пишиши эса 73 кунда амалга ошди. Етиштириш усуллари ҳандалак ўсимликларининг биометрик кўрсаткичларига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Асосий поя узунлиги плёнка остига экилганда 143,0 смни, очик далага экилганда эса 135,5 см ни ташкил этди. Плёнка остига экилган ўсимликларда асосий поя очик далага нисбатан 7,5 см ни узун бўлди. Ҳандалакни уруғлари орқали плёнка остида ва очик далаларда етиштириш ўсимликларни барг сатҳига сезиларли даражада таъсир қилди. Кўчатлар ёппасига униб чиққандан 40 кун ўтгач очик далада етиштирилган ўсимликларда барг сатҳи 503 дм<sup>2</sup> ни, плёнка остида етиштирилган ўсимликларда эса 632 дм<sup>2</sup> ни ташкил этди. Ушбу даврда плёнка остида етиштирилган ўсимликларда барг сатҳи 129 дм<sup>2</sup> га кўп бўлди. Униб чиққандан кейин 50 кун ўтгач бу кўрсаткич 162 дм<sup>2</sup> ни ташкил этди. Униб чиққандан 60 кун ўтгач эса очик далада етиштирилган ўсимликлар барг сатҳи 1808 дм<sup>2</sup> ни, плёнка остида етиштирилган ўсимликларда – 2261 дм<sup>2</sup> ни ташкил этди ва ўртадаги фарқ 453 дм<sup>2</sup> бўлди. Плёнка остида етиштирилган ўсимликларда барг сатҳи юқори бўлиши кузатилди.

Етиштириш усуллари ҳандалак экинининг ҳосилдорлигига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Энг юқори умумий ҳосилдорлик плёнка остида етиштирилганда кузатилди ва у 48,5 т/га ни ташкил этди. Бу назорат сифатида олинган очик далаларда етиштирилганга нисбатан 122 % ни ташкил этди. Товарбоп ҳосил ҳам плёнка остида етиштирилганда энг юқори бўлди ва 45,6 т/га ни ташкил этди. Товарбоп ҳосил ҳам плёнка остида етиштирилган ўсимликларда юқори бўлиб, очик далада етиштирилганга нисбатан 123,5 % ни ташкил этди.

Ушбу бобнинг «Ҳандалакни плёнка остида ва очик далада кўчатидан етиштиришнинг самарадорлигини аниқлаш» бўлимида ҳандалакни пленка остига ва очик далада кўчатидан етиштириш бўйича тадқиқотлар натижаси келтирилган. Кейинги йилларда полиз экинларини, айниқса тарвуз ва қовунни кўчатидан етиштириш кенг оммалашмоқда. Бу усулда етиштирилганда уруғлар очик далага нисбатан жуда эрта экилади ва тайёр кўчатлар эрта муддатда пленкали қопламалар остига кўчириб ўтказилади. Бу

эса ўсимликларни ривожланишда 25-30 кун олдинга кетишига, эртачи ва юқори ҳосил олишга имкон беради. Бизнинг тадқиқотларимизда плёнка остида етиштириш учун мўлжалланган ҳандалак уруғлари 20- феврал, очик далаларда етиштириш учун эса 15- мартда экилди. Кўчатлар 3-4 барг фазасида плёнка остига 15- мартда, очик далалага эса 5- апрелда кўчириб ўтказилди. Ҳар иккала усулда ҳам уруғларни экишдан дастлабки униб чиқишигача 5 кун ва ёппасига униб чиқиши учун 7 кун талаб этилди.

Асосий жиҳатларидан бири бўлган ҳосилдорлик ва унинг сифати ҳам етиштириш усулига қараб турлича бўлди, 1-жадвал.

#### 1-жадвал

#### Ҳандалакнинг Кичкинтой навини очик далада ва плёнка остида кўчатидан экилганда ҳосилдорлик кўрсаткичлари(2021-2023 й.й.)

Тажриба вариантлари	Умумий ҳосилдорлик, т/га	Умумий ҳосилдорлик стандартга нисбатан, %	Товарбоп ҳосил, т/га	Товарбоп ҳосил умумий ҳосилга нисбатан, %
Очик далада кўчатидан экиш	41,3	104	38,8	94
Плёнка остида кўчатидан экиш	50,0	126	47,5	95
НСР <sub>05</sub>	2,9		2,6	
Sx%	3,1		1,9	

Плёнка остида кўчатидан етиштирилган ўсимликларда 3,5 дона мева шаклланди. Очик далада етиштирилган ўсимликларда 3,2 дона мева ҳосил бўлди. Плёнка остида ўстирилган ҳандалак мевасининг ўртача вазни 1,0 кг ни, очик далада етиштирилган ҳандалак мевасининг вазни 0,9 кг ни ташкил этди.

Демак, плёнка остида етиштирилган ўсимликларда 0,3 дона кўп мева ҳосил бўлди ва уларнинг вазни 0,1 кг га юқори бўлди.

Энг юқори умумий ҳосилдорлик плёнка остида кўчатидан етиштирилган ҳандалак ўсимликларида кузатилди ва 50,0 т/га ни ташкил этди. Очик далаларда кўчатидан етиштирилганда эса умумий ҳосилдорлик 41,3 т/га ни ташкил этди, холос.

Плёнка остида етиштирилганда умумий ҳосилдорлик очик даладагига нисбатан 121,0 % ни ташкил этди ва бу жуда юқори натижа ҳисобланади. Товарбоп ҳосилдорлик ҳам плёнка остида етиштирилган вариантда юқори бўлди ва 47,5 т/га ташкил этди. Ҳосилнинг товарбоплиги ҳар иккала етиштириш усулида ҳам юқори бўлди ва 94-95 % ни ташкил этди. Буни меваларнинг пўсти каттик, транспортбоплиги билан изохлаш мумкин

Тўртинчи бобнинг «ВЛ-77 биологик препарати билан ҳандалак уруғларига экиш олдида ишлов беришнинг самарадорлиги» бўлимида ушбу

препарат билан уруғларга экишдан олдин ишлов беришнинг самарадорлиги келтирилган.

Ҳандалак уруғларига ВЛ-77 препарати билан ишлов бериш унинг ҳосилдорлик кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди (2- жадвалга қаранг). Ҳандалак уруғларини 12 соат сувда ивителинган назорат вариантда умумий ҳосилдорлик 38,5 т/га ни ташкил этди. ВЛ-77 препарати билан ишлов берилган 3 ва 4 вариантларда ҳосилдорликни сезиларли даражада юқори бўлганлиги кузатилди. Умумий ҳосилдорлик назоратга нисбатан тажрибанинг учинчи вариантыда 2,6 т/га, тўртинчи вариантыда эса 4,9 т/га кўп бўлди. Умумий ҳосилдорлик назорат вариантга нисбатан ушбу вариантларда 6,7-12,7% га кўп бўлди.

## 2-жадвал

### Ҳандалакнинг уруғларига ВЛ-77 ўстирувчи стимулятор билан экиш олдида ишлов берилганда ҳосилдорлик кўрсаткичлари(2021-2023 й.й.)

Тажриба вариантлари	Умумий ҳосилдорлик		Товарбоп ҳосилдорлик		
	т/га	стандартга нисбатан, %	т/га	стандартга нисбатан, %	умумий ҳосилга нисбатан,%
Сувда 12 соат давомида ивителинган назорат	38,5	100	36,2	100	94,0
ВЛ-77 препаратида 6 соат ивителинган	38,9	101,0	36,4	100,5	93,6
ВЛ-77 препаратида 9 соат ивителинган	41,1	106,7	39,9	110,2	97,0
ВЛ-77 препаратида 12 соат ивителинган	43,4	112,7	41,6	114,9	95,9
ЭКМФ <sub>05</sub>	2,1		3,1		
S <sub>x</sub> %	3,3		2,9		

ВЛ-77 биологик препарати билан ҳандалак уруғларига экиш олдида ишлов бериш ривожланиш даврларининг қисқаришига, ўсимлик барг сатҳининг ошишига ва биометрик кўрсаткичларини назоратга нисбатан юқори бўлишига олиб келди.


Назорат вариантыда товарбоп ҳосил 36,2 т/га бўлиб ва бу умумий ҳосилнинг 94,0% ни ташкил этади. Тажрибанинг 3 ва 4 вариантларида ҳосилнинг товарбоплиги бироз юқори бўлиб, умумий ҳосилнинг 95,9-97,0% ни ташкил этди. Назоратга нисбатан эса товарбоп ҳосил 10,2-14,9% га юқори бўлди.

ВЛ-77 препарати билан ишлов берилган 3 ва 4 вариантларда ўсимликдаги мева сони, унинг ўртача вазни ва этининг қалинлиги назоратга нисбатан бироз юқори бўлди. Энг мақбул деб тажрибанинг 3 ва 4

вариантлари, яъни уруғларни ушбу препарат эритмасида 9 ва 12 соат ивитиш ҳисобланади. Биологик препарат ВЛ-77 билан ишлов берилган вариантларда рентабеллик даражаси 278,9-291,1% ни ташкил этди. Бу назорат вариантга нисбатан 14,0-26,3 % юқори демакдир.

Тўртинчи бобнинг «Ҳандалак уруғларига Гумимакс препарати билан ишлов беришнинг самарадорлиги» бўлимида ҳандалак уруғларига ушбу препарат билан ишлов беришнинг ўсимликларнинг морфологик белгиларига ва ҳосилдорликка таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Умуман олганда Гумимакс препарати билан ҳандалак уруғларига экишолди ишлов бериш ўсимликларнинг ривожланиш даврларининг давомийлигига сезиларли таъсир этади. Тажрибанинг ҳамма вариантларида ҳам ривожланиш даврларининг назоратга нисбатан қисқариши кузатилди. Бу айниқса тажрибанинг 3 ва 4- вариантларида яққол кўзга ташланди.

Гумимакс препарати билан уруғларга экишолди ишлов бериш ҳандалак ўсимлигининг биометрик кўрсаткичларига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди, 1-расмга қаранг. Тажрибанинг ҳамма вариантларида ҳам асосий поя узунлиги назоратга нисбатан анча кўп бўлди.



**1-расм. Ҳандалакнинг Кичкинтой нави уруғларига Гумимакс биологик препарати билан ишлов беришнинг биометрик кўрсаткичларига таъсири, 2022-2023 й.й.**

Назорат вариантда асосий поя узунлиги 135,5 см ни ташкил этган бўлса, тажриба вариантларида уларнинг узунлиги 139,5-143,0 см ни ташкил этди. Бу ўз навбатида назоратга нисбатан 103,7-105,5% ни ташкил этди. Ён шоҳлар ҳам назоратга нисбатан тажриба вариантларида анча узун бўлди. Назоратда ён шоҳлар узунлиги 344,0 см бўлган бўлса тажрибанинг 2-вариантида 371,0 см ни, 3- вариантыда 369,0 см ни, тўртинчи вариантыда 372,0 см ни ташкил этди. Бу ўз навбатида назоратга нисбатан 107,3-108,1 % демакдир. Худди

шундай ҳолат асосий поя ва ён шохларнинг умумий узунлигида ҳам кузатилди.

Гумимакс препарати ҳандалак ўсимлигининг ён шохлар сонининг ошишига ҳам олиб келди. Уруғларга ишлов берилмаган назорат вариантда ён шохлар сони 3,5 донани ташкил этди. Гумимакс препарати билан ишлов берилган вариантларда уларнинг сони 3,9-4,1 донани ташкил этди. Ён шохлар сони тажриба вариантларида назоратга нисбатан 111,4-117,1 % кўп бўлди. Гумимакс препарати билан ишлов берилганда ҳандалак ўсимликларининг ҳосилдорлигига ва ҳосил сифатига ижобий таъсир қилди.

### 3-жадвал

#### Ҳандалакнинг Кичкинтой нави уруғларига Гумимакс биологик препарати билан ишлов берилганда ҳосилдорлик кўрсаткичлари(2022-2023 й.й.)

Тажриба вариантлари	Умумий ҳосилдорлик		Товарбоп ҳосил	
	т/га	назоратга нисбатан,%	т/га	умумий ҳосилга нисбатан,%
Сувда 12 соат ивитиш, назорат	38,5	100	36,2	94
Гумимаксда 6 соат ивитиш	37,6	97,6	35,1	95
Гумимаксда 9 соат ивитиш	41,1	106,8	39,4	96
Гумимаксда 12 соат ивитиш	41,1	106,8	39,0	95
ЭКМФ <sub>05</sub>	2,9		3,2	
S <sub>x</sub> %	2,2		2,7	

Энг юқори умумий ҳосилдорлик тажрибанинг 3 ва 4 вариантларида кузатилди ва 41,1 т/га ни ташкил этди. Ушбу вариантларда умумий ҳосилдорлик назоратга нисбатан 106,8 % ни ташкил этди. Энг юқори товарбоп ҳосилдорлик ҳам айнан шу вариантларда кузатилди ва 39,0 – 39,4 т/га ни ташкил этди. Бу эса назоратга нисбатан 107,7 – 108,8 % демакдир.

### ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор Ўзбекистон жануби шароитида ҳандалак нав намуналари тўплами ўрганилган ва истиқболли маҳаллий нав намуналари ажратилган. Маҳаллий намуна 24, Маҳаллий намуна 3, Маҳаллий намуна 19, Маҳаллий намуна 1, Маҳаллий намуна 23, Маҳаллий намуна 12, Маҳаллий намуна 14, Маҳаллий намуна 15, Маҳаллий намуна 21, Маҳаллий намуна 25 каби маҳаллий нав намуналари истиқболли эканлиги аниқланган, етиштириш ва селекция ишлари учун тавсия қилинган.

2. Ўрганилган навлар палагининг узунлиги, вегетация даврининг давомийлиги, мевасининг вазни, ҳосилдорлиги бўйича гуруҳларга бўлинган ва кейинги тадқиқотларда фойдаланиш учун тавсия этилган.

3. Уруғларни Гумимакс препаратида 9 ва 12 соат ивителиганда хандалак ўсимликларида назоратга нисбатан мева сони 3,2%, вазни 3,4%, этининг қалинлиги 6,6% кўп бўлганлиги кузатилган.

4. Энг юқори умумий ҳосилдорлик тажрибанинг 3 ва 4 вариантларида кузатилди ва 41,1 т/га ни ташкил этди. Ушбу вариантларда умумий ҳосилдорлик назоратга нисбатан 106,8 % ни ташкил этди.

5. ВЛ-77 биологик препарати билан хандалак уруғларига экиш олдида ишлов бериш ривожланиш даврларининг қисқаришига, ўсимлик барг сатҳининг ошишига ва биометрик кўрсаткичларини назоратга нисбатан юқори бўлишига олиб келди.

6. Ушбу препарат билан ишлов бериш тажрибанинг 4 вариантда ҳосилдорликни ва ҳосил сифатини ошишига олиб келди. Ҳосилдорлик тажрибанинг 4 вариантыда – 4,9 т/га кўп бўлди. Умумий ҳосилдорлик ушбу вариантда назоратга нисбатан 12,7% га юқори бўлди.

7. Энг мақбул вариант тажрибанинг 4 варианты, яъни уруғларни ВЛ-77 препарати эритмасида 12 соат ивитиш ҳисобланади.

8. Плёнка остида етиштирилганда умумий ҳосилдорлик очик даладагига нисбатан 121,0 % ни ташкил этди. Плёнка остида кўчатидан етиштирилган ўсимликларда 3,5 дона, очик далада етиштирилганда эса 3,2 дона мева ҳосил бўлди. Плёнка остида етиштирилган ўсимликларда 0,3 дона кўп мева ҳосил бўлди ва уларнинг вазни 0,1 кг га юқори бўлди.

9. Уруғидан экиб етиштирилганда энг юқори умумий ҳосилдорлик плёнка остида етиштирилганда кузатилди ва у 48,5 т/га ни ташкил этди. Бу назорат сифатида олинган очик далаларда етиштирилганга нисбатан 122 % ни ташкил этди. Товарбоп ҳосил ҳам плёнка остида етиштирилган ўсимликларда юқори бўлиб, очик далада етиштирилганга нисбатан 123,5 % ни ташкил этди.

10. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида:

- хандалакнинг янги маҳаллий навлари Маҳаллий намуна 24, Маҳаллий намуна 3, Маҳаллий намуна 19, Маҳаллий намуна 1, Маҳаллий намуна 23, Маҳаллий намуна 12, Маҳаллий намуна 14, Маҳаллий намуна 15, Маҳаллий намуна 21, Маҳаллий намуна 25 фермер, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқаларда етиштириш учун;

- хандалакни кўчатидан ва уруғидан плёнка остида етиштириш;

- уруғларни экишдан олдин Гумимакс препаратида 9 ва 12 соат ивитиш;

- уруғларни экишдан олдин ВЛ-77 препаратида 12 соат ивитиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ ПРИ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ОВОЩЕ-БАХЧЕВЫХ  
КУЛЬТУР И КАРТОФЕЛЯ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**БЕКНАЗАРОВ ИЛИМЖОН ОЛИМЖОН УГЛИ**

**ИЗУЧЕНИЕ ГЕНОФОНДА ХАНДАЛЯКА (*Cucumis melo adans.* (L),  
*ssp.rigidus* (Pang.) *Fil.*, *var. chandalak* (Pang.) *Grebensc.*) И  
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭЛЕМЕНТОВ ТЕХНОЛОГИИ  
ВЫРАЩИВАНИЯ**

**06.01.06 – Овощеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2025**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером В2023.2.PhD/Qx1107

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на сайте Ученого совета ([www.sabpkiti@iim.uz](http://www.sabpkiti@iim.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.sabpkiti@iim.uz](http://www.sabpkiti@iim.uz)). [ziyonet.uz](http://ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Арамов Музаффар Хошимович  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор


**Официальные оппоненты:** Хакимов Рафиқжон Абдунабиевич  
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник  
Дусмуратова Саодат Исмаиловна  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Ведущая организации:** Самаркандский институт агроинноваций и исследований

Защита диссертации состоится «19» декабря 2025 года в 15-<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD. 05/30.09.2022.Qx.152.01. при Научно-исследовательском институте овоще-бахчевых культур и картофеля по адресу: 100140, Ташкентская область, Ташкентский район, Куксарой, ул. Тел.: (+99871) 226-85-03; факс: (99871) 226-85-03; e-mail: [savzavot\\_info@umail.uz](mailto:savzavot_info@umail.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательском институте овоще-бахчевых культур и картофеля (зарегистрирована № 11/2025). Адрес: 100140, Ташкентская область, Ташкентский район, Куксарой, ул. Тел.: (+99878) 226-85-03; факс: (99871) 226-85-03; e-mail

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года.  
(реестр протокола рассылки \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года).



*[Handwritten signature]*

**Низомов Р.А.**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

*[Handwritten signature]*

**Расулов Ф.Ф.**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.с.х.н., старший научный сотрудник

*[Handwritten signature]*

**Шокиров А.Ж.**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., доцент

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время во всем мире возрастает потребность к выращиванию и потреблению бахчевых культур на основе инновационных технологий. По данным ФАО и других международных организаций в мире 2024 году дыни были выращены на площади 4,1 млн. га, валовой урожай составил 133,5 млн тонн, а урожайность составила 26-27 т/га. По производству дынь ведущее место занимает Китай, на долю которого приходится более половины производимой продукции.<sup>1</sup> В Узбекистане 2024 году было произведено 2,6 млн тонн дыни, что на 3,2% больше по сравнению с 2023 годом.<sup>2</sup> Ежегодный рост объемов производства бахчевой продукции имеет большое значение в удовлетворении спроса населения на продукты питания.

Узбекистан, не только в Средней Азии, но и во всем мире известен своими ценными, вкусными сортами дыни. По мнению Н.И.Вавилова (1926) Средняя Азия является одним из центров происхождения культурных растений и вторичным центром происхождения дыни и здесь сосредоточено большое количество её разновидностей. В исторически сложившихся оазисах, на протяжении многих веков, народными селекционерами выведено множество различных сортов дыни. Эти сорта отличаются друг от друга по скороспелости, массе и форме плодов, цвету, вкусу, аромату, содержанию сахара и по многим другим показателям, которые вызывают восхищение. Однако, дыни южного оазиса, в частности хандаляки, практически не изучены и исследований по технологии их возделывания очень мало.

В нашей стране проводится большая работа по обеспечению продовольственной безопасности, по более полному обеспечению населения продукцией овощных и бахчевых культур, диверсификации сельского хозяйства, более рациональному использованию водно-земельных ресурсов, повышению эффективности дехканских и фермерских хозяйств путем выращивания экспортноориентированной продукции. В 30-цели третьего приоритетного направления Указа Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» отмечено: «Увеличение доходов дехкан и фермеров как минимум в два раза за счет интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, обеспечение ежегодного роста объемов сельского хозяйства не менее чем на 5 процентов». В связи с тем, что в последние годы очень мало внимание уделялось этой популярной культуре, важное значение приобретает подбор перспективных сортов хандаляка и разработка некоторых элементов технологии их возделывания.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года № УП-5853 «Об утверждении стратегии

---

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/faostat/foodsecurity>

<sup>2</sup> <https://gov.uz/oz/agro/news/view/20908>

развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»<sup>3</sup>, в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП 307 от 6 июля 2022 года «Об организационных мерах по реализации стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы»<sup>4</sup>, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики V. «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

